

**«АВИАСОЗЛАР ДЕХКОН БОЗОРИ» АЖ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИФИЛИШ  
БАЁНИ**

**2023 йил 16 март**

Овоз берувчи акциялар сони: 786477

**соат 11 -<sup>оо</sup>**

Акциядорларнинг 2022 йил молиявий фаолияти якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шахар Яшнабод тумани Бешарик кучаси 1 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2023 йил 16 март куни ўtkазилди. Йиғилишда 765427 овозга эга 10 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 97.3 % ни ташкил этади, йиғилиш ўtkазиш ҳуқукига эга.

**Йиғилишда қатнашганлар:**

Д.И.Ганиев – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиги уринбосари

Т.К.Камолов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, бош мутахассис

Ш.Д.Ахметов – «Авиасозлар дехкон бозори» АЖ директори в.б

Реестр буйича акциядорлар сони 550 та. 786477 овоз. Бошка тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядор 10 та акциядор, 765427 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўtkазиш учун кворум 97.3 % ни ташкил этди.

Тошкент шахар Хокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиги уринбосари Д.И.Ганиев юборилган.

**Йиғилишда раисликни Д.И.Ганиев олиб борди.**

Д.И.Ганиев йиғилиш ўtkазиш учун кворум 97.3 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга кўйди.

**Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.**

Йиғилишга котиб этиб, Н.А.Норхўжаев номзоди таклиф этилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан кабул килинди.

Шунингдек, Д.И.Ганиев йиғилишга санок комиссияси сайдаб олиш лозимлиги хакида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган А.А.Юсупов, А.Н.Нурниёзов, Д.Б.Хамидоваларини овозга кўйди.

Санок комиссияси юкоридаги таркибда бир овоздан қабул килинди.

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев умумий йиғилиш кун тартибига кўйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамият директори ва Кузатув кенгashi раисининг жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2022 йил давомида кўрилган чоратадбирлар тўғрисидаги хисоботларини эшитиш;
2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хуносасини қўриб чиқиши;
3. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича фойда ва заарлари хисоб варағини тасдиқлаш, унинг соғ фойдасини тақсимлаш;
5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш;
6. Жамият директорини сайлаш ҳақида;
7. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;
8. Жамиятда ўtkазилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини қўриб чиқиши;

**9. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.**

**10. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;**

**11. Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш;**

**12. Жамиятнинг "Кузатув кенгаши ҳақида"ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш;**

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев кун тартибидаги масалаларни мухокама этиш учун овозга кўйди. Ушбу таклиф овозга кўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул килинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 10 минут, колган масалаларга 5 минут, мухокамада сўзга чикувчилар учун 3-5 минутдан вакт берилиши келишиб олинди.

Саноқ комиссияси томонидан йиғилиш мухокамасига куйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳакида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Д.И.Ганиев сўзни жамият директори Ш.Д.Ахметовга берди.

Ш.Д.Ахметов сўзга чикиб, «Авиасозлар дехкон бозори» АЖ нинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум килди:

«Авиасозлар дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2022 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2022 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар кисмининг барча бандларини бажарди.

Шундан;

Жой ҳаки режаси 3 006 684.0 минг.сўм, амалда 3 037 036.0 минг.сўм, режага нисбатан 30 352.4 минг.сўмга кўп бажарилди. Хизмат ҳаки режаси 1 288 095.0 минг.сўм, амалда 1 187 877.0 минг.сўм, режага нисбатан -100 218 минг.сўмга кам бажарилди. Автотўхташ жойи режаси 592 162.0 минг.сўм, амалда 451 999.0 минг.сўм, режага нисбатан -140 163.0 минг.сўмга кам бажарилди, арава хизмати режаси 174 698.0 минг.сўм, амалда 189 810.0 режага нисбатан 15 112 минг.сўм кўп бажарилди, тарози хизмати режаси 35 456.0 минг.сўм, амалда 34 735.0 режага нисбатан -721 минг.сўмга кам бажарилди, хожатхона хизмати режаси 299 694.0 минг.сўм, амалда 319 352.0 режага нисбатан 19 658 минг.сўмга кўп бажарилди, қоровул хизмати режаси 186 085.0 минг.сўм, амалда 191 981.0 режага нисбатан 5 896 минг.сўм кўп бажарилди, ижара ҳаки режаси 3 312 624.0 минг.сўм, амалда 3 624 624.0 минг.сўм, режага нисбатан 312 000.0 минг.сўмга кўп бажарилди. Инфратузилма даромади режаси 1 152 672.0 минг.сўм, амалда 1 152 672.0 минг.сўмга бажарилган. Жами даромадлар режаси 8 760 075.0 минг.сўм, амалда 9 002 209.0 минг.сўм, режага нисбатан 242 134.8 минг.сўмга кўп бажарилганлигини айтиб ўтди.

2022 йил бўйича соф фойда режаси 1 923 978.0 минг.сўм режалаштирилган бўлса, амалда 1 561 868.0 минг.сўм, режага нисбатан -362 111.0 минг.сўм. кам бажарилди.

Жамият директори в.б. Ш.Д.Ахметов ўз сўзини давом эттириб, соф фойда режасининг бажарилмаган сабабларини кўрсатиб берди.

Бу асосан қўйида келтириб ўтилган сабаблар эвазига юзага келганлигини таъкидлаб ўтди:

- Иш ҳаки 579 141,0 (иш ҳаққини кўтарилиши, меҳнат таътиллари ва ишдан бўшаганларга компенсация тўланиши хисобига)
- 12% тўловлар -67 012. (иш ҳаки ошиши хисобига)
- ИИБ хизмати 48 900 (йил давомида тўлов ставка ошиши хисобига)
- Бошқа харажатлар 164 562,0 (кўзда тутилмаган харажатларни амалга ошириш хисобига)

Жамиятнинг 2023 йил 1 январ холатига дебиторлик карздорлик 344 838.0 минг.сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг 2023 йил 1 январ холатига кредиторлик карздорлик 8 279 274.0 минг сўмни ташкил этади.

Шу билан бир каторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошка хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли карорида “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошка хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва кўллаш хамда тақдим этилган ракамларга асосан 2022 йил якунлари бўйича олинган СИК (КПЭ) = 75.39 % ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100 % бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, ўрта даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан кузатув кенгаши раиси Д.И.Ганиев сўзга чикиб, жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятни 2022 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг хисоботлари хар чоракда эшигилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан хар чоракда берилган хисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва ҳаражатлар сметасида белгиланган ҳаражатлардан ортиқ ҳаражаттага йўл қўймаслик хамда хукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйрукларни ўз вактида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлислирида кабул килинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроя орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2022 йил 25 ноябрида Кузатув кенгаши мажлисида маъқулланди, тасдиқлаш учун 2023 йил 16 марта даги акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроя органи томонидан барча ҳужжатлар ҳеч кандай тўсикларсиз Кузатув кенгашига бериб борилди. 2022 йил мобайнида “Авиасозлар деҳқон бозори” АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонуни ва жамият низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис катнашчиларига таништириб ўтди.

Шунингдек биринчи масала давомида жамиятнинг барча филиал раҳбарлари сўзга чикиб мажлис катнашчиларига бир йил давомида амалга оширилган ишлар хамда белгиланган режалар бажарилиши юзасидан ахборот бериб ўтдилар ва жамият томонидан берилган барча топширикларни бажарганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала бўйича Т.Камолов 2022 йил кўрсаткичлари билан танишиб чиқканлиги, жамиятнинг солиқдаги қарздорлиги далолатномасини кўриб чиқканда 747,1 млн сўм устама (пеня) кўлланилганлиги, ушбу устама жамиятнинг 2022 йилги ҳаражатлари таркиби киритилганлигини ёки киритилмаганлигини сўради.

Ушбу масалада жамият бош бухгалтери тушунтириш бериб, жамиятнинг ҳаражатлари таркиби киритилмаганлигини билдириди.

Бундан келиб чикиб, ушбу устама ҳаражатлар таркиби киритилиши лозимлигидан келиб чикиб, жамиятнинг молиявий кўрсаткичлари ўзгариб кетиши маълум килинди ва жамиятнинг бошка ҳаражатлари хамда даромадлари таркиби қайтадан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқлиги айтилди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош хисобчиси Г.Т.Ибрагимова хисобот берди.

Г.Т.Ибрагимова сўзга чикиб, Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан МЧЖ шаклидаги “IQTIDOR-AUDIT-INFORM” аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви хаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Йигилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги биринчи масалада келтирилган устама (пеня) сабабли аудиторнинг хулосасини ҳам қайтадан кўриб чиқиши таклифи киритилди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги учинчи масала масала юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимовага берди.

Жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятни 2022 йил молиявий – хўжалик хисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

«Авиасозлар дехкон бозори» АЖнинг 2023 йил 1 январ холатига бухгалтерия баланси

### Бухгалтерлик баланси: форма № 1

(минг сумда)

№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1	Асосий воситалар бошланғич киймати	14 115 845	Устав капитали	943 772
2	Эскириш	1 057 433	Захира капитали	2 850 574
3	Асосий воситалар колдиги	13 058 412	Таксимланмаган фойда, зарар	1 561 868
4	Узок мурдатли инвестиция	11 808	Бюджет бўйича қарзлар	5 244 292
5	Кимматли қоғозлар	4 308	Мехнатта ҳақ тўлаш карзи	62 798
6	Ишлаб чиқариш захиралари	147 107	Бюджетдан ташкири қарзлар	539 800
7	Келгуси давр харажатлари	0	Солик ва бошқа маж. тўловлар бўйича кечик мажбуриятлар	1 950 475
8	Товар-моддий захиралар	147 107	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга карз	406 404
9	Пул маблағлари	19 457	Шўба ва қарам хўжалик жамиятларга	75 305
10	Дебиторлар жами	398 704		
11	Бошқа жорий активлар	0		
	<b>Актив бўйича жами</b>	<b>13 635 488</b>	<b>Пассив бўйича жами</b>	<b>13 635 488</b>

### Молиявий натижалар: форма № 2

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соғ тушум	7 462 990,0	x	7 828 008,0	x
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тан нархи	x	0,0	x	-
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	7 462 990,0	-	7 828 008,0	0
Давр харажатлари жами	x	5 195 849,0	x	5 875 673,0
Асосий фаолиятнинг бошқа даро.	3 014 854,0	x	0	0
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	5 281 995,0	0	1 952 335,0	0,0
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами	0	x	0,0	x
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	5 281 995,0	0	1 952 335,0	0
Даромад (фойда) солигини тўлагунга қадар фойда (зарар)	5 281 995,0	0	1 952 335,0	0
Фойдадан бошқа соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар	x	1 056 399,0	x	390 467,0
Хисобот даврининг соғ фойдаси (зарари)	4 225 596,0	-	1 561 868,0	-

Йигилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги биринчи масалада келтирилган устама (пеня) сабабли жамият балансини ҳам қайтадан кўриб чиқиши таклифи киритилди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб, жамиятда 2022 йил учун белгиланган даромадлар режасидаги 1 923 978,0 минг сўм соғ фойда амалда 1 561 868,0 минг сўм этиб бажарилганлиги, жамиятда 2013 йилда бўлган текширув натижасида жамият хисоб ракамига йирик миқдорда солик тўловлари ва молиявий жарималар натижасида қўйилган К-2 ҳозиргача турганлиги, жумладан,

бугунги кун 2023 йил 1 март ҳолатига жамиятнинг солиқдан 7 111 769 000.0 минг сўм, электр энергиясидан 1 январ 2023 йил ҳолатига 404 793 852.14 минг сўм, Яшнобод Махсустрансдан 1 январ 2023 йил ҳолатига 9 822 329.38 минг сўм, жами бўлиб, 7 526 385 181.52 минг сўм қарздорлик бўлганлиги сабабли жамият томонидан акциядорларга дивиденд тўлаш имкони мавжуд эмаслигини маълум қилди.

Жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова 2022 йилда олинган фойдани 5% яъни, 78 093.4 минг сўмни жамиятнинг захира фондига, қолган қисми 95 % яъни, 1 483 774.6 минг сўмни жамият устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтиришга таклиф этди.

Йигилиш қатнашчилари томонидан кун тартибидаги биринчи масалада келтирилган устама (пеня) сабабли соғ фойда кўрсаткичлари ҳам ўзгариши сабабли ушбу масалани ҳам қайтадан кўриб чиқиш таклифи киритилди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **бешинчи масала** бўйича сўзни жамият директори Ш.Д.Ахметов жамият бош муҳосиби Г.Т.Ибрагимова берди. Ш.Д.Ахметов сўзга чиқиб, жамиятни 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», ҳамда Г.Т.Ибрагимова сўзга чиқиб жамиятнинг 2023 йил “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан тўлиқ таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, 2022 йил 21 февралдаги жамият Кузатув Кенгаши қарорига мувофиқ жамият масъул ишчи-ходимларидан тузилган танлов ҳайъати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик Жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармони ижроси юзасидан жамият ижро этувчи орган раҳбари (директор) лавозимига муносиб кадр танлаш мақсадида танлов ўтказилди.

Ижро этувчи орган раҳбари (директор) лавозимига нисбатан кўйилган малака талаблари кўрсатилган холда рўзномага, жамият веб сайтига, корпоратив аҳборот ягона портали ([openinfo.uz](http://openinfo.uz))га эълон берилди. Танлов 2023 йил 21 февралдан – 2023 йил 4 март кунига қадар давом этгани тўғрисида маълумот берди.

Танлов давомида жамият Ахметов Шерзод Дилшатович ижро этувчи орган раҳбари лавозимига ўз номзодлиги бўйича таклифини бердилар.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият акциядорлари сони беш юздан кўп бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 7 кишидан иборат бўлишилигини, жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига қумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан жамият кимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Н.А.Норхўжаев сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳолангандиги, хулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда -187 “паст” баҳо берилганлиги, фоиз шкала -16% ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **тўққизинчи биринчи** масала юзасидан сўзни кимматли қоғозлар мутахасси Н.А.Норхўжаев сўзга чикиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳакининг энг кўп микдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йигилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувани ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

- |                            |                   |
|----------------------------|-------------------|
| 1. “XB FINANSE KONSULTING” | - 10 000 000 сўм, |
| 2. «GREAT FOURS» МЧЖ       | - 8 000 000 сўм.  |

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан жамият кимматли қоғозлар бўйича мутахассис Н.А.Норхўжаев сўзга чикиб, мажлис катнашчиларига жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги боис янги ишлаб чиқилган ташкилий тузилма лойихаси билан таништириб ўтди ва тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан жамият кимматли қоғозлар бўйича мутахассис Н.А.Норхўжаев сўзга чикиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-814-сонли қонуни қабул қилинганлиги, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини химоя килиш тўғрисида»ги 223-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуни таҳририда)га тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги, яъни устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортик бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустакил аъзо киритилиши кераклиги қайд этилганлиги, ушбу ўзгариш 2023 йил 20 апрелдан кучга кириши, шу муносабат билан мазкур конунчилик талабига амал килиш мақсадида жамиятнинг амалдаги уставига ўзгартириш киритилиб, янги таҳрирда ишлаб чиқилганлигини маълум килди ва мажлис катнашчиларини янги таҳрирдаги Устав лойихаси билан таништириди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан жамият кимматли қоғозлар бўйича мутахассис Н.А.Норхўжаев сўзга чикиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли қонуни қабул қилинганлиги, ушбу қонун билан давлат улуши 50 фоиздан ортик бўлган жамиятларнинг кузатув кенгаши таркиби камида бир нафар мустакил аъзо киритилиши кераклиги қайд этилганлиги сабабли, жамиятнинг амалдаги Кузатув кенгаши ҳакидаги низомига ўзгартиришлар киритиб, янги таҳрирда тасдиқлаш таклифини айтиб юзгартиришлар матни билан таништириди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини кайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йигилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниклангунга қадар танаффус эълон килди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини мухокамаси тугагандан сўнг, мажлис мухокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани

санок комиссия раиси А.А.Юсупов ўқиб эшилтириб, қуидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёклайман»		«Қаршиман»		«Бетарафман»		Овоз бермаганлар		Хақиқий эмаслар	
1	Масала	80288	10.5 %	685139	89.5 %	0	0	0	0	0	0
2	Масала	80288	10.5 %	685139	89.5 %	0	0	0	0	0	0
3	Масала	80288	10.5 %	685139	89.5 %	0	0	0	0	0	0
4	Масала	80288	10.5 %	685139	89.5 %	0	0	0	0	0	0
5	Масала	765427	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Масала	765427	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Масала	765427	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7.1	А.А.Раззаков	765427		0	0	0	0	0	0	0	0
7.2	М.А.Ирматов	765427		0	0	0	0	0	0	0	0
7.3	Д.И.Ганиев	765427		0	0	0	0	0	0	0	0
7.4	М.Р.Каримов	765427		0	0	0	0	0	0	0	0
7.5	Ж.Х.Бойсинов	765427		0	0	0	0	0	0	0	0
7.6	С.Ю.Каримов	765427		0	0	0	0	0	0	0	0
7.7	А.А.Умаров	765427		0	0	0	0	0	0	0	0
8	Масала	765427	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Масала	765427	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Масала	765427	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
11	Масала	765427	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
12	Масала	765427	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0

### Қарор қабул қилади.

1. «Авиасозлар дехкон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик хисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тасдиқланиши масаласига етарли овоз берилмаганлиги сабабли масала тасдиқланмади (ёклаган 80288 та овоз – 10,5 %, қарши 685139 то овоз – 89,5 %, бетараф – йўқ).

2. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти МЧЖ шаклидаги “IQTIDOR-AUDIT-INFORM” аудиторлик ташкилоти томонидан 2023 йил 15 марта даги аудиторлик ижобий фикр хulosаси масаласига етарли овоз берилмаганлиги сабабли масала тасдиқланмади (ёклаган 80288 та овоз – 10,5 %, қарши 685139 то овоз – 89,5 %, бетараф – йўқ).

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик хисоботи тасдиқланиши масаласига етарли овоз берилмаганлиги сабабли масала тасдиқланмади (ёклаган 80288 та овоз – 10,5 %, қарши 685139 то овоз – 89,5 %, бетараф – йўқ).

4.1 Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва заарлар хисоб вараги тасдиқланиши масаласига етарли овоз берилмаганлиги сабабли масала тасдиқланмади (ёклаган 80288 та овоз – 10,5 %, қарши 685139 то овоз – 89,5 %, бетараф – йўқ).

5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик ўзгартириш киритиш шарти билан тасдиқлансан. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсан (ёклаган 765404 та овоз – 97 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6. Жамият директори этиб Ахметов Шерзод Дилшатович сайлансин (ёклаган 765427 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6.1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 марта даги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 марта даги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim конун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори

Ш.Ахметовнинг меҳнат шартномаси уч йил муддатга тузилсин (Ёклаган 32496843095 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

**6.2.** Белгилаб кўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисоботларининг даврийлигига қаралади.

**7.** Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

- 7.1.** Раззаков Аҳад Анварович(жамият устав фонднинг 87,11 % акциядори ҳокимият вакили) 765427 - та овоз
- 7.2.** Ирматов Мурод Абдукахарович жамият устав фонднинг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 765427 - та овоз
- 7.3.** Ганиев Дилмурод Иркинович жамият устав фонднинг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 765427 - та овоз
- 7.4.** Каримов Малик Рахимович жамият устав фонднинг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 765427 - та овоз
- 7.5.** Каримов Сардор Юлдашбаевич жамият устав фонднинг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 765427 - та овоз
- 7.6.** Бойсинов Жасур Ҳасанович жамият устав фонднинг 87,11 % акциядори акциядори ҳокимият вакили) 765427 - та овоз
- 7.7.** Умаров Арслан Аблаатович (мустакил аъзо) 765427 - та овоз

**9.** Жамият “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -187 “паст” баҳо, фоиз шкала -16 % баҳоси маълумот учун кабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурӣ чоралар кўрилсин (ёклаган 765427 та овоз – 100 %,, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

**9.** Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «GREAT FOURS» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиклансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 8 000 000 сўм микдори этиб белгилансин (ёклаган 765427 та овоз – 100 %, қарши– йўқ, бетараф– йўқ).

**10.** Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиклансин. (ёклаган 765427 та овоз – 100 %,, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

**11.** Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиклансин ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсин(ёклаган 765427 та овоз – 100 %,, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

**12.** Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳакида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиклансин(ёклаган 765427 та овоз – 100 %,, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

Баённома имзоланган сана: «\_\_» март 2023 йил.

Мажлис раиси

Д.И.Ганиев

Мажлис котиби

Н.А.Норхўжаев